

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-24-410-423>

Усмонов Фарход Лапасович

Тошкент давлат иктисодиёт университети доценти, PhD

Тошкент, Ўзбекистан

usfar76@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақола ахборотлашган жамият сари жадал интилиши жараёнларида ахборотнинг тез ва сифатли айланиши таҳлил этилади. Ахборот олиши эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириши, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириши ҳақида аҳолини тизимли равишда хабардор қилиши механизмлари баён қилинади. Ушбу масалаларни ҳал этишда телевидение, радио, матбуот ва Интернет журналистика фаолиятини янада ривожлантириши масалалари кўриб чиқилади.

Калим сўзлар: «Электрон ҳукумат», ахборот тизими, рақамли технологиялар, «ахборот макони», сунъий интеллект, рақамли технологиялар, оммавий маданият, ижтимоий тармоқлар.

PROSPECTS FOR EFFECTIVE USE OF DIGITAL TECHNOLOGIES

Abstract. This article analyzes the rapid and high-quality circulation of information in the process of rapid progress towards an information society. It describes mechanisms for effective implementation of public control by ensuring freedom of information, and for systematically informing the population about the improvement of the "Electronic Government" system. In solving these issues, the issues of further development of television, radio, press and Internet journalism are considered.

Key words: "Electronic Government", Information system, "Information Space", Artificial Intellegent, digital technologies, "popular culture", social networks.

ПЕРСПЕКТИВЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Аннотация. В статье анализируется быстрое и качественное распространение информации в процессе стремительного движения к

информационному обществу. Описываются механизмы эффективной реализации общественного контроля путем обеспечения свободы информации и систематического информирования населения о совершенствовании системы «Электронного правительства». При решении этих вопросов рассматриваются вопросы дальнейшего развития телевидения, радио, прессы и интернет-журналистики.

Ключевые слова: «Электронное правительство», информационная система, цифровые технологии, «информационное пространство», искусственный интеллект, цифровые технологии, массовая культура, социальные сети.

Кириш. Жаҳонда рақамли технологияларнинг фаол қўлланилиши натижасида тезкор ахборотлар тараққиётни тезлаштирувчи асосий омилга айланди. Ахборот тизими фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларини тобора мустаҳкамлаш, ахборот маконини изчил ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институти сифатидаги аҳамиятини кучайтиришда асосий омил бўлмоқда. Ахборотлаштиришнинг ривожланаётгани ва жамият ҳаётининг таркибий қисмига айланаётганини эътироф этиш ҳамда глобал ахборот маконини яратишга интилиш ифодаси бўлиш билан бирга бундай тараққиёт оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган турли салбий ҳолатларнинг олдини олишнинг ижтимоий-фалсафий, ҳуқуқий асосларини яратиш заруриятини ҳам англатади.

Асосий қисм. «Ахборот макони» атамаси 1993 йил биринчи марта ЮНЕСКОнинг асосий ҳужжатларида қўлланилган бўлиб, бунда ташкилот халқаро мулоқотда коммуникациянинг роли тўғрисида ўз муносабатини баён этган эди¹. «Ахборот макони»ни жамиятда ахборот турларининг ўзаро ҳамкорлигини юзага келтириб, ахборот пайдо бўлиши, сақланиши, қайта ишланиши ва тарқалиши билан боғлиқ жараёнларнинг бир бутун ижтимоий организм каби шаклланишини таъминловчи очик ижтимоий тузум сифатида талқин қилиш мумкин. Глобал телекоммуникациялар соҳаси мутахассиси М. Прайс ёзганидек, «медиа тузилмаларининг глобаллашувида биргина омил асосий роль ўйнамайди. Унда жуғрофий сиёсат, иқтисод, экология, маданият каби омиллар тенг кучга эга ҳамда улар бир-бирини тўлдириб, ахборот

¹ Раупов С. Глобаллашув ва Ўзбекистон: воқеликдаги уйғунлик моҳияти // Ахборот глобаллашуви ва халқлар маънавияти: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 2011. – Б. 192.

маконини вужудга келтиради»². Демак, «дунёнинг ягона ахборот маконига қамраб олиниши мисли кўрилмаган сиёсий, иқтисодий, маданий моҳиятга эга бўлган ўзаро таъсирларнинг кучайишини келтириб чиқаради»³.

Нуфузли халқаро экспертларнинг фикрига, бугунги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг тахминан 5,5 фоизи АКТ соҳасига тўғри келмоқда, 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ортди. АКТнинг ўзига хос жиҳати шундаки, ундан фойдаланиш глобал характерга эга. Бу, айниқса, бошқарув тизимида меҳнат унумдорлиги, иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилади. Дунёда биринчи бўлиб иқтисодиёт соҳаларини оптик толали тармоқ билан тўлиқ таъминлаган Сингапур, Швеция давлатларида қўлга киритилаётган муваффақиятлар бунга мисол бўла олади. Масалан, Корея Республикасининг ялпи ички маҳсулотида мазкур соҳанинг улуши 11,8 фоиздан ошган.

«Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади»⁴. Замонавий инновацион технологияларга асосланган янги иқтисодиётда АКТ соҳасини юқори суръатлар билан ривожлантириш республикамызда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бош йўналишларидан биридир. Соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилган бўлиб, бу борада бир нечта қонунлар қабул қилинган.

Мамлакатимизда миллий ахборот тизимини шакллантириш, барча соҳаларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи, давлат органлари билан қулай ва самарали муносабатларни ўрнатувчи «электрон ҳукумат» тизими изчил татбиқ этиляпти.

XX аср сўнгги ўн йиллигида АҚШда пайдо бўлган «Электрон ҳукумат» тизими жаҳон амалиётида ўзининг афзалликларини намоён этиб улгурган тизим ҳисобланади. Бугунги кунда унинг Европача модели, инглиз-америка модели, Осиё модели бор. Тадқиқотчи Н.Умарова ёзганидек, «Электрон ҳукумат» – давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар ҳамда ишбилармон доиралар билан виртуал шаклда муносабат ўрнатиши, бошқача айтганда,

² <http://psyfactor.org/infowar3.htm>.

³ Каримов Ф. Демократия ва миллий ахборот тизими // Тафаккур. – Тошкент, 2010. – №2. –Б. 21.

⁴ 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги Фармони // “Халқ сўзи”, 2018 йил 22 сентябрь.

улар ўртасидаги муносабатларининг ахборот коммуникация технологиялари орқали амалга ошириш демакдир. Ушбу тизимдан кўзланган мақсад – давлат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш, бошқарув органлари ва фуқаролар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдан иборат»⁵.

Ахборот коммуникация технологиялари соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари мамлакатимизда жаҳон ахборот маконига интеграциялашиш ишларини жадаллаштириш мақсадида АКТни жамиятнинг барча жабҳаларига кенг жорий қилишни назарда тутди. Ахборот соҳасидаги миллий манфаатлар иқтисодиёт, ички ва ташқи сиёсат, маънавий ҳаёт, мудофаа комплекси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва судлар фаолияти, фавқулодда вазиятлар шароитида ўзига хос хусусиятларга эга. Миллий хавфсизлик, шахснинг дахлсизлик ҳуқуқи ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш ўртасида мувозанатни сақлаш жуда долзарб масала ҳисобланади.

Айни вақтда одамлар энг янги технологиялар ёрдамида эркин мулоқот қилаётган бугунги глобаллашув асрида ушбу соҳада пухта ўйланган давлат сиёсатини амалга ошириш ниҳоятда муҳимдир. Бу борада жамиятимизни янада ривожлантириш ва унинг жаҳон ахборот алоқаси тизимиغا интеграциялашувига комплекс тарзда ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам 2018 йил 21 ноябрда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, «Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди (2018 йил 13 декабрь).

2020 йил октябрь ойида «Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегияси қабул қилинди. Ушбу «стратегия Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифаларини белгилайди, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади»⁶. Айни кунда юртимиз бўйлаб

⁵ Умарова Н. Электрон ҳукумат: муаммо ва ечимлар // Тафаккур. – Тошкент, 2016. – №1. – Б. 18-19.

⁶ <https://lex.uz/docs/5030957>

24,5 минг км оптик толали алоқа тармоқлари ўтказилган, жами 20,994 та база станция ўрнатилган⁷.

Ахборот коммуникация технологиялари турар-жой, озиқ-овқат, транспорт сингари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб борапти. Ташкилий жиҳатдан тартибга солинган ҳужжатлар ва ахборот технологиялари ахборот тизимини, унга киритилган айрим ҳужжатлар ва алоҳида ҳужжатлар тўплами эса ахборот ресурсларини ташкил қилади. Бугунги кунда ахборот тизимларига, хусусан, кутубхоналар, архивлар, фондлар, маълумотлар банки ва бошқалар киради. Уларда оммавий коммуникация воситалари орқали турли хабар ва маълумотларни ва бошқа шаклдаги ахборот материаллари тақдим этилмоқда. «Албатта, биз Интернет ва бошқа замонавий ахборот манбаларининг ўрни ва аҳамиятини инкор этмаймиз. Бугунги ҳаётимизни Интернетсиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Шунини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Интернет тизими орқали маънавий тарғибот ишларини, жумладан электрон китобхонликни кучайтириши зарур»⁸. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ёшларга катта эътибор қаратиб келинмоқда, уларнинг компьютер технологияларини чуқур эгаллашлари учун рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этиш ва уларда бепул таълим бериш, юқори тезликдаги интернет тармоғига уланиши учун шароит яратиш берилмоқда. «Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлар дастури лойиҳаси тўртинчи ташаббус мақсадларини амалга оширишга қаратилган. Унга кўра, ҳар бир ҳудудга 1 миллион донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очиш ҳам белгиланган»⁹.

«Мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил иш

⁷ <https://kun.uz/news/2018/07/04/akt-vazirligi-internet-tezligini-1-tbitga-etkazisni-rezalashtirmokda>.

⁸ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б.529.

⁹ <https://president.uz/uz/2471>. Бешта ташаббус бўйича дастурлар ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини камраб олади. Мурожаат санаси: 03.04.2019.

олиб борилмоқда»¹⁰. Аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишнинг таъсирчан механизми яратилди. 2022 йил 31 август ҳолатига кўра, виртуал қабулхонага юборилган мурожаатлар сони 7 068 798 дан ошди, улардан 6 989 591 таси кўриб чиқилган¹¹. Фуқароларнинг жамият ҳаётида кенг иштироки орқали очиклик ва шаффофликка эришиш ҳамда қонунлар самарали ишлаши учун «Mening fikrim» веб-портали яратилди.

Бугунги кунда ОАВ фаолиятининг мезонлари жамият манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлиши керак. Жамиятда очиклик ва шаффофликни таъминлаш, адолат тамойилларини кенг қарор топтириш, аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, юртимиздаги бекиёс ўзгаришларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг ўрни ошиб бормоқда. Яъни, оммавий ахборот воситаларининг тури ҳамда шаклидан қатъий назар, у халқ манфаатининг чинакам ҳимоячиси бўлиши лозим. Зеро, эл-юртимиз эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, аҳолининг турли қатламларида ахборотга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, янгиланишлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш билан бевосита боғлиқдир.

«Жаҳон ахборот макони глобаллашувининг кучайиши оммавий ахборот воситалари соҳасида дунёда содир бўлаётган воқеаларга тез ва мос равишда муносабат билдириш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик қайта ўзгаришлар ҳақида республика аҳолисини, дунё ҳамжамятини ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилиш тизимини такомиллаштириш масаласи энг долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда»¹². Ҳозирда Интернет ҳаётимизнинг бир қисмига айланди. Ўзбекистон ОАВларининг Интернетда шаклланишининг рамзий хронологияси кўриб чиқилганда, уларнинг глобал тармоқни босқичма-босқич забт этганига гувоҳ бўлиш мумкин. Дастлабки босқичда таҳририятлар томонидан Интернет анъанавий нашрни бойитиш мақсадида қўлланилган ва ундан олинган халқаро ҳаёт масалаларига оид маълумотлар газетанинг бош саҳифасида алоҳида рўқна остида берилган эди. Миллий телевидение ва радиоканаллар учун эса, у халқаро шарҳловчилар ва хориждаги мухбирларнинг етишмаслиги муаммосини ҳал этиш воситаси ҳамда хорижда рўй берган воқеаларни тезкор ёритишга кўмаклашувчи манба

¹⁰ «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги Фармони. // “Халқ сўзи”, 2018 йил 20 февраль.

¹¹ <https://pm.gov.uz/uz#/ 31.08.2022>.

¹² <https://lex.uz/docs/3748563>.

бўлиб хизмат қилган¹³. 2000 йиллардан бошлаб мамлакатимиз ОАВлари бевосита Интернетда ўз саҳифаларини ташкил эта бошлади ва баъзи газеталарнинг мазмунини тўлиқ етказиб бора оладиган тўлақонли ахборот воситаси даражасига кўтарилди.

Бундан бир неча йил олдин Интернет ОАВнинг янги турими ёки уларнинг мазмунини тарқатишга кўмаклашувчи коммуникация воситасими дея қўйилган савол¹⁴ олимларимиз ўртасида баҳс мунозараларга сабаб бўлган эди. Айрим олимларнинг фикрича, ОАВ (матбуот, радио, телевидение) тарихан босиб ўтадиган йўлини забт этиб бўлишган ва ҳозирда янги ОАВ ёки янги жанрлар туғилишини таъкидлашга асос йўқ. Бу хусусда таниқли олим Ш. Қудратхўжаев қуйидагиларни ёзади: «Бир қарашда тўғри, Интернет ҳам асосан, мавжуд жанрлар (интервью, репортаж, шарҳ, мақола ва бошқалар) асосида маълумот тақдим этади. Шу пайтгача улар матбуот, радио ва телевидение жанрларига айланиб бўлган ва мазмунан бойитилган. Аммо Интернет журналистика анъанавий журналистикадан мерос қолган жанрларнинг бетакрор салоҳияти ва мазмунидан моҳирона фойдаланиб, назаримизда, журналистиканинг яхлит оламига янги сифатлари билан тўртинчи ОАВ тури бўлиб кириб келди»¹⁵.

XXI асрда мустақил, янги журналистика тури пайдо бўлгани ва ахборот тарқатиш соҳасига кириб келгани ҳамда келгусида бошқа ОАВдан фарқли равишда айнан шу журналистика тури инсонлар учун энг қулай, мақбул ва фойдали оммавий коммуникация воситасига айланади, деган фикрга қўшилиш мумкин. Чунки газета, телевидение ва радио узатадиган ахборот дастурининг фақатгина маълум вақт ва соатда берилиши уларнинг тезкор ОАВ сифатидаги имкониятини чеклайди. Интернет-нашр эса у ёки бу воқеа тўғрисидаги ахборотни янгилаш борасида чекланмаган имкониятларга эга.

Кўриниб турибдики, бутун дунёда ахборот соҳаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали, хусусан, Интернет тармоқларида ахборот алмашиш осонлашгани туфайли, инсонлар ўзига хос тарзда фикрлашиш имконига эга бўлиб, маданият ва одоб-ахлоқ, турмуш тарзи ҳам тубдан ўзгара бошлади. Шунингдек, Интернетнинг оммавий ахборот воситалари тизимида хос бўлган ахборот тарқатиш, коммуникатив, таълим-тарбия, интеграция, назорат ва

¹³ Қудратхўжаев Ш. Интернет ва ахборот: хизматлар, фойдаланиш асослари. – Тошкент: Истиқлол, 2013. – Б. 5.

¹⁴ Қудратхўжаев Ш. Интернет: благо или зло? Предпосылки создания, история и тенденции развития, сложность оценок, инструмент в чьих руках... // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2010. – №1. – Б.35.

¹⁵ Қудратхўжаев Ш. Интернет ва ахборот: хизматлар, фойдаланиш асослари. Тошкент: Истиқлол, 2013. – Б.11.

бошқа вазифалари янада яққолроқ намоён бўлиши билан бирга, оммавий ахборот воситаси сифатида айрим ресурсларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Бугунги кунда Интернет ахборот алмашиш учун шунчаки рақамли тармоқ эмас, балки «оммавий маданият» элементи, глобаллашув тарафдорларининг рад этиб бўлмайдиган далили, «тўртинчи саноат инқилоби»дан кейинги жамият тимсоли, фикрларни тўсиқсиз билдириш, умуман айтганда эркин фикр майдони ҳисобланади. Ўз фикр ва қарашларини халқаро миқёсда эркин билдириши мумкин бўлган миллионлаб одамларнинг ижодий имкониятлари глобал ахборот тармоғи орқали амалга ошмоқда. Бироқ, Интернетдаги ахборот эркинлиги жамиятга ижобий таъсир кўрсатишдан ташқари, салбий таъсир кўрсатиш салоҳиятига эгаллиги ҳам аёнлашмоқда. Яъни, мазкур институт халқнинг онгу тафаккурини ўзгартириш қуроли, ғаразли мақсадларга эришиш, экстремистик ғояларни амалга ошириш, ахборот урушини олиб бориш, «рангли инқилоблар»ни юзага келтириш воситасига айланиши мумкин. Маълумотларни узатиш бўйича янги технологиялар ривожланган сари оммавий хабардор қилиш тизимининг жамият онгига таъсири кескин ошиб бормоқда. Кенг коммуникация имкониятларига эга Интернет тармоғида кўплаб диффамация, яъни инсонни бадном қиладиган хабарлар, порноматериаллар жойлаштирилмоқда, қонун билан ҳимоя қилинадиган махфий маълумотларнинг эълон қилиниши ва инсонлар ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши билан боғлиқ бошқа ҳолатлар учраб турибди. Айрим ғаразли кучлар бу имкониятлардан ўз мақсадлари йўлида мафкуравий қурол сифатида фойдаланишни кўзлаган.

Ўз вақтида россиялик профессор Я.Н. Засурский ҳам ўз мақолаларида: «Интернет газетани йўқ қилмоқда. Ҳозир ОАВ икки версия: қоғозда ва «рақам»да чиқмоқда. Бу журналистикани йўққа чиқарадими, ёки..? – дея бонг урган эди. Албатта, бу вазиятда анъанавий ОАВ ва янги ОАВ конвергенцияси муаммоси юзага келаётганлиги кўзга ташланади. Лекин, бу баҳслар қанчалик «қизғинлик» ва «эҳтирос» билан кўтарилмасин, унда охириги нуқтани вақт қўяди. Бир пайтлар одамлар кундалик ҳаётини газета ўқишдан бошлаган бўлса, ҳозирги ёшлар ўзларини Интернетсиз тасаввур қила олмайди.

Ўзбекистонлик олима Н.Муратова, сўнгги йилларда глобал ахборот маконидаги ўзига хос «бозор»да юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиб, ОАВлари дигитализациясининг янги босқичлари тўғрисида қуйидаги қарашларини илгари суради:

- фаол конвергенция, яъни анъанавий ОАВ ўзига хос хусусиятлари синтези, қоришув даври (2010-2014 йй.);

- трансформация, анъанавий матбуотнинг виртуал муҳитга кўчиш, янги медиа сифатида шаклланиш даври (2015-2019 йй.);

- янги медиа даври (2020 йилдан кейинги йиллар)¹⁶.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, биз яна бир даврга ажратишни таклиф қилган бўлар эдик:

- онлайн журналистика ва рақамли медиа (2022 йилдан кейинги йиллар).

Бу даврда ижтимоий тармоқлар ҳам янги журналистик ижод майдони сифатида ривожланиб бориб, фуқаролик журналистика, блогерлик, гонзо журналистика ҳам кенг тарқалади.

Фаол конвергенция босқичи натижаларини Ўзбекистон интернет-сайтларида кузатишимиз мумкин. Улар тақдим этаётган контент матн ҳамда аудиовизуал материаллар жамланмасидан иборатлилиги билан ўзига хосдир. Бироқ ахборот агентликлари веб-ресурсларида бу жараён бирмунча суст кечмоқда. Аксар ҳолларда ахборот фақат матн кўринишида, фотоматериаллар билан бирга тақдим этилади. Видео, овозли ёзув, инфографика кабилар деярли учрамайди. Сўнгги йилларда дунёнинг етакчи матбуот нашрларида ҳам фаол конвергенция жараёни кечаётганлиги яққол кўзга ташлана бошлади, яъни газеталар веб-вариантидан энди нафақат матн, материал кўргазмавийлигини таъминловчи қатор жанрлар (инфографика, аудиослайдшоу, фотогалерея, видеолавҳа подкаст кабилар) ҳам ўрин олган. Авлодлар алмашинуви билан чамбарчас ҳолда информатсион Интернет нашрлар нуфузининг ортиб бораётганлиги босма нашр таҳририятлари учун ҳам замон талабига мос тараққиёт тенденцияларини белгилаш эҳтиёжини юзага келтиради. Демак, анъанавий ОАВнинг янги медиага трансформацияси фақат вақт масаласи бўлиб қолган экан, даврий матбуот тизими вакиллари бу ҳақда жиддий бош қотириши лозим¹⁷. Шу билан бирга UzNetда интернетнинг мультимедиа имкониятларидан самарали фойдаланаётган Uza.uz, Kun.uz, Gazeta.uz, Daryo.uz, Xabar.uz каби информатсион сайтлар сони тобора ортиб бормоқда. Ахборот асрида маълумотларни тезкорлик билан етказишда, электрон шаклдаги ОАВ устунликка эришмоқда. Шунингдек, айнан интернет сайтларига замонавий бошқарув йўлга қўйилган бўлиб, улар молиявий томондан ўзини ўзи мустақил таъминлашда ҳам илгарилаб кетган.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, матбуотнинг бутунлай рақамли форматга ўтиб кетиши ҳам масаланинг самарали ечими бўла олмайди. Хўш,

¹⁶ Муратова Н. ОАВ тараққиётининг янги тенденциялари: конвергент медиа // Ўзбекистон матбуоти. - Тошкент, 2014. – №3, -Б.57.

¹⁷ Муратова Н. ОАВ тараққиётининг янги тенденциялари: конвергент медиа // Ўзбекистон матбуоти. - Тошкент, 2014. – №3, -Б.58.

янги медиа дейилганда қандай ОАВ назарда тутилган эди. Бу турдаги медиа барча ОАВ хусусиятлари синтези натижаси саналади. Чунки, конвергенция (Интернетнинг бошқа ОАВ хусусиятларини ўзида жамлаганлиги) жараёни турли ОАВ шакллариининг ягона бренд остида бирлашувини таъминлайди. Уни «Янги Ўзбекистон» - «Правда Востока» таҳририяти мисолида қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1) «Янги Ўзбекистон» - «Правда Востока» таҳририятлари негизида медиа корпорация тузилади.

2) Медиа корпорация ўз фаолиятини замон талаблари асосида, креатив фикрловчи ёшлар ҳисобидан ташкил этади.

Бу ўринда ўзбек тилидаги «Янги Ўзбекистон», рус тилидаги «Правда Востока» босма нашрларининг жамиятнинг барча қатламларига таъсир кучи уларда бериладиган материалларнинг характериға боғлиқ бўлади. Берилаётган материалларнинг тезкорлиги, таҳлилийлик даражасига алоҳида аҳамият касб этади. Маълумотлар қайси аудиторияға мўлжаллангани билан ҳам ажралиб туради ҳамда истеъмолчининг ёши, жинси, билим даражаси, дунёқараши, миллий, диний мансублиги каби омиллар ҳисобға олинган ҳолда сараланади. Бу вазиятда «аудитория» тушунчасига ҳозирча етарли даражада эътибор бериш зарур бўлади. Чунки, «аудитория» – муайян нашрни ҳар куни ўқийдиган кишилар сонининг ўртача кўрсаткичидир¹⁸. Тўғри, бундай кўрсаткичларни аниқловчи мониторинг хизмати ташкил этиш осон кўчмайди, лекин эндиликда деярли барча ОАВ таҳририятларида шаклланиб бораётган маркетинг бўлимлари ўз фаолиятларини замон талаблари асосига қуришлари ҳаётий эҳтиёжға айланиб бораётганини ҳисобға олишларига тўғри келади¹⁹. Ҳар иккала газетани Тошкент шаҳридан ташқари, вилоят марказларида ҳам чоп этилишини йўлга қўйиш зарур бўлади. Бундай тезкорлик газеталарнинг муштариёлар қўлиға тезроқ етиб боришини таъминлайди.

3) Neu Uzbekistan.uz номли веб-сайт фаолияти йўлга қўйилади. Бугунги кунда Интернет универсал медиаға айлангани боис, глобал тармоқ сифатида ахборот манбаи ва узатиш канали, шунингдек алоқа воситаси вазифаларини бажариб бермоқда. Neu Uzbekistan.uz Интернет-нашри бу имкониятдан самарали фойдалана олса, глобал ахборот маконида ахборот алмашув жараёнларини янги босқичға олиб чиқиши мумкин.

4) Кейинчалик “Янги Ўзбекистон” телерадиоканали тузилади. «Янги Ўзбекистон» телерадиоканалининг кўрсатув ва радио эшиттиришлари ҳам

¹⁸ Колесниченко А. Что говорят и чего не договаривают рейтинги// – ВМУ, 2006. – №4. – С.65.

¹⁹ Дўстмуҳаммад Х. Ахборот – мўъжиза, жозоба, фалсафа. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2013. – Б. 121.

Ўзбекистоннинг глобал ахборот маконидаги имижини оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин. Унинг он-лайн тизими орқали хориж давлатларга узатилаётган қисмида миллий ўзлигимизга хос жиҳатлар очиб берилиб, бугунги ҳаётимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларни акс эттирган кўрсатувларни тайёрлаш мумкин. Эфирга узатилаётган ахборотларда, аввало, юртимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, янгиланиш ва ўзгаришлар, турли соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ҳақидаги маълумотлар камраб олинади.

Ҳозирги замонда ижтимоий тармоқлар дунёда кенг тарқалган, чунки бундай тармоқлар қисқа вақт оралиғида жаҳонда рўй бераётган энг долзарб воқеа-ҳодисаларни муҳокама қилиш учун қулай муҳит яратди. Мамлакатимиздаги миллий нашрлар ҳамда телерадиоканаллар ижтимоий тармоқлардаги сайтларда плагинлар очмоқда, айниқса, ёшлар ва зиёлилар ахборот излаш жараёнида ижтимоий тармоққа кўпроқ мурожаат қилмоқдалар.

Давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳам бу борада интерфаоллик билан иштирок этиб, Facebook, Instagramm, Telegrammдаги плагинларида ўзларига тегишли ахборот ва хабарларни эълон қилиб бормоқда. «Бугун ушбу тармоқларни оммавий ахборот воситасининг бир тури ҳисоблашимиз мумкин. Улар ижтимоий медиаларнинг ядроси, яъни, мағзини ташкил этади. Интернетдаги бундай медиалар – кўп маъноли атама бўлиб, интернет воситасида бир қатор факторлар иштирок этадиган ахборот алмашиши ва алмашинувида хилма-хил фаолликни билдиради»²⁰. Чиндан ҳам ижтимоий тармоқларда ўзаро мулоқотнинг янги кўриниши сифатида ахборот алмашишнинг инновацион усуллари яратилган. Чунки, ижтимоий тармоқда бевосита мулоқот ва форумлар олиб бориш имкони бор. Уларга қандай муносабатда бўлиш ҳар бир инсоннинг шахсий дунёқарашига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, «Яна бир инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат борки, фуқароларда ҳам ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланиши керак. Ана шундагина кўзлаган мақсадларга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ уддасидан чиқамиз. Бу жараёнда кучли ва таъсирчан жамоатчилик назоратининг ўрни беқиёсдир»²¹. Ундан давлат идоралари ва фуқаролар ўртасида алоқа ўрнатишда самарали фойдаланиш мумкин.

²⁰ Алимова Г. Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё // Ўзбекистон матбуоти. – Тошкент, 2014. – №1-сон. -Б. 65.

²¹ Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тadbirkor халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. <http://www.uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon>. 08-12-2018.

Ўзбекистонда «очик ташқи сиёсатнинг фаоллашуви натижасида хорижий мамлакатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашда салмоқли натижаларга эришилди, Марказий Осиё давлатлари билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар сезиларли даражада кенгайди, халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик ва хориждаги ватандошларимиз билан мулоқот ўрнатилди, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар ҳал этилмоқда»²². «Ўзбекистоннинг жаҳон медиа маконидаги имижини кенг маънода олиб қаралганда, реал ва виртуал ОАВ, умумий коммуникацияларда мамлакатимизнинг сиёсий нуфузига, ижтимоий-иқтисодий имкониятларига, сармоявий салоҳиятига, маданияти ва санъати, спорти, тарихига, умуман кечаги ва бугунги ҳаётига дахлдор бўлган турли ахборотлар билан боғлиқ тушунчани ўз ичига олади»²³.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимиз глобал ахборот маконидаги мавқеини оширишда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАнинг роли алоҳида бўлмоғи зарур. Бунинг учун ЎзАда янги мультимедиа маркази ташкил этилиши ҳамда энг сўнгги ахборот технологиялари ва рақамли ускуналар билан таъминланиши керак. Тайёрланаётган ахборотларда ҳар қандай мавзу расмий услубдаги матн асосида эмас, балки чуқур таҳлилларга асосланган ҳолда, экспертлар фикр-мулоҳазалари билан ёритилиши, ахборот-таҳлилий ва турли форматдаги медиа-материаллар, хусусан, видеошарҳлар, ижтимоий рекламалар, воқеа жойидан репортажлар тайёрланиб, эфирга узатилиши, шунингдек, интернет орқали кенг жамоатчиликка етказилиши керак. Шу боисдан, «Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Қарорида ҳам фойдаланувчилар учун қулай, аудио ва видео ахборотларни тарқатиш, тарқатилаётган ахборотларни тижорат йўли билан юклаб олиш имкониятлари мавжуд бўлган ЎзАнинг ахборот порталини ишга туширилиши вазифаси белгилаб қўйилди»²⁴.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг «Жаҳон» ахборот агентлиги негизида ташкил этилган «Дунё» ахборот агентлиги ва мультимедиа маркази ҳам LED-экранлар, камералар, ёритиш, овоз беришнинг ягона инновацион тизими орқали кўп функционаллик хусусиятларини ўзида жамлаши лозим. Буларнинг барчаси АКТдан оқилона фойдаланиш, ишга тезкор ва самарали ёндашиш имкониятини берган бўлар

²² <https://lex.uz/docs/3611072>.

²³ Алимов Б. Жаҳон медиа маконида Ўзбекистон имижини // Ўзбекистон матбуоти. – 2013. №1. -Б. 29.

²⁴ <https://lex.uz/docs/4623768>.

эди. Шу ўринда, мазкур вазирлик муассислигида «Uzbekistan today» журналини ташкил этишни ва унинг веб-саҳифаси яратилиш таклифини билдирамиз. Унда маданият, санъат, иқтисод ва ишлаб чиқариш, табиат ва география, сиёсат ва давлат бошқаруви, илм-фан ва инновацион технологиялар, жамият, спорт ва туризм рукнларида юртимиз ҳақида қизиқарли маълумотлар ҳамда мамлакатнинг инвестиция муҳити ва туристик салоҳиятини тарғиб этиш билан боғлиқ масалалар ҳақида фактлар бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса. Бугунги кундаги анъанавий оммавий ахборот воситалари ўрнини янги авлод масс-медиа – ижтимоий оммавий ахборот воситалари эгалламоқда. Жаҳон тажрибаси айнан шундай оммавий ахборот воситалари фаолияти самарали эканлигидан далолат беради. Лекин ҳозирги даврда замонавий ОАВларида ахборот эркинлигини таъминланиш билан боғлиқ салбий омиллар ҳам бор. Жумладан, масс-медиада «позитив» эркинликнинг «деструктив» эркинликдан устунлиги, ОАВнинг давлат ва жамият билан самарали мулоқот қилмаслиги, масъулият асосидаги эркинлик рефлексидаражасининг пастлиги, журналистларнинг ижод қилиш мазмунининг пасаяётганлиги шундай омиллар сирасига киради.

Журналистлар ва ахборот тузилмалари (ОАВ ва ахборот агентликлари) хизматларига у ёки бу масала юзасидан профессионал даражада оқилона қарор чиқариши учун ҳокимият тузилмалари томонидан тегишли равишда ҳақ тўланишига ҳар доим эҳтиёж сезилади. Бу салбий омил жамиятни демократлаштиришда ОАВнинг пасайиб бораётган салоҳияти ўртасидаги зиддиятли номуносиваликни юзага келтиради. Яъни, журналист фақат эркин маънавий-амалий фаолияти орқалигина, ўз манфаат ва эҳтиёжлари, мақсад ва қизиқишлари, маънавий ва эстетик қарашлари, профессионал қобилиятини намоён эта олади.

REFERENCES

1. Раупов С. Глобаллашув ва Ўзбекистон: воқеликдаги уйғунлик моҳияти // Ахборот глобаллашуви ва халқлар маънавияти: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 2011. – Б. 192.
2. <http://psyfactor.org/infowar3.htm>.
3. Каримов Ф. Демократия ва миллий ахборот тизими // Тафаккур. – Тошкент, 2010. – №2. -Б. 21.
4. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги Фармони // “Халқ сўзи”, 2018 йил 22 сентябрь.

5. Умарова Н. Электрон ҳукумат: муаммо ва ечимлар // Тафаккур. – Тошкент, 2016. – №1. –Б. 18-19.

6. <https://lex.uz/docs/5030957>

7. <https://kun.uz/news/2018/07/04/akt-vazirligi-internet-tezligini-1-tbitga-etkazisni-rezalastirmokda>

8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б.529.

9. <https://president.uz/uz/2471>. Бешта ташаббус бўйича дастурлар ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини қамраб олади. Мурожаат санаси: 03.04.2019.

10. «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги Фармони. // “Халқ сўзи”, 2018 йил 20 февраль.

11. Қудратхўжаев Ш. Интернет ва ахборот: хизматлар, фойдаланиш асослари. – Тошкент: Истиклол, 2013. –Б. 5.

12. Қудратхўжаев Ш. Интернет: благо или зло? Предпосылки создания, история и тенденции развития, схожесть оценок, инструмент в чьих руках... // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2010. – №1. – Б.35.

13. Қудратхўжаев Ш. Интернет ва ахборот: хизматлар, фойдаланиш асослари. Тошкент: Истиклол, 2013. – Б.11.

14. Муратова Н. ОАВ тараққиётининг янги тенденциялари: конвергент медиа // Ўзбекистон матбуоти. -Тошкент, 2014. – №3, -Б.57.

15. Колесниченко А. Что говорят и чего не договаривают рейтинги// – ВМУ, 2006. – №4. – С.65.

16. Дўстмуҳаммад Х. Ахборот – мўъжиза, жозиба, фалсафа. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2013. – Б. 121.

17. Алимова Г. Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё // Ўзбекистон матбуоти. – Тошкент, 2014. – №1-сон. -Б. 65.

18. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. <http://www.uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon.08-12-2018>.

19. Алимов Б. Жаҳон медиа маконида Ўзбекистон имижини // Ўзбекистон матбуоти. – 2013. №1. -Б. 29.